

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-март ойларида Навоий вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3 859,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,2 % га ўсди.

2018 йил I-чорак яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4 022,0 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,6 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Навоий вилоятининг кўшган хиссаси 5,9 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-март)

	Млрд.сўм		2017 йил январь-мартга нисбатан, % да
	2017 йил	2018 йил	
I. ЯҲМ	2381,1	3859,9	130,2
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2282,5	3717,7	103,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	98,6	142,2	103,0
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2282,5	3717,7	103,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	167,3	241,4	103,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1498,1	2725,2	101,3
саноат	1376,2	2568,9	100,3
қурилиш	121,9	156,4	112,0
хизматлар	617,1	751,1	108,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	174,8	212,1	100,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	110,8	130,2	113,0
бошқа хизмат	331,5	408,8	110,3

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,2 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 6,5 %), саноат (қурилишниқўшган ҳолда) - 101,3 % (73,3 %), қурилиш – 112,0 % (4,2 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 100,8 % (5,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 113,0 % (3,5 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 110,3 % (11,0 %) ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Иқтисодий фаолият турлари


Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,3 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,7 % ни ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2017 йил январь-мартъ



2018 йил январь-мартъ



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 7,7 % пунктга кўпайди ва ҳисобот йилида 73,3 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг I-чорагида 6,5 % ни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даври (7,3 %) билан таққосланганда 0,8 % пунктга, Хизматлар соҳаси 20,2 % ни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даври (27,1 %) билан таққосланганда 6,9 % пунктга камайди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(2018 йил январь-мартъ, жамига нисбатан фоизда):**

2017 йил



2018 йил



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва
йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: А.Қўлдошев
Тел: (0371) 230-84-33**